

---

## Жаҳон туризм ташкилоти Академияси эксперти Риштонда

Маълумки, 24-25 ноябрь кунлари БМТнинг Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Академияси эксперти Ольга Новицкая Фарғона вилоятига ташрифи амалга оширилиши белгиланган. Ушбу ташриф доирасида бугун Ольга Новицкая бошлиқ делегация Риштон туманига ташриф буюрди. Ольга хоним дастлаб, уста кулол Равшан Тожиддиновнинг уй музейида бўлди. Бу ердаги жараёнлар билан танишган Ольга Новицкая Риштон лойининг сеҳридан лол қолди. Кулолларимиз томонидан яратилаётган мўъжизалар бугунги кунда Швейцарияда истиқомат қилаётган БМТнинг Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Академияси экспертини ҳайратда қолдирди. Шундан кейин делегация аъзолари “Халқаро кулолчилик маркази” да бўлиб, у ерда уста кулолларга яратиб берилаётган шароитлар билан танишишди. Айтиш жоизки, Риштон кулолчилиги Ольга Новицкаяни ўзига ром этди. Шунингдек, меҳмонлар “Хўжаи Рушноий” зиёратгоҳида ҳам бўлишди. Ташриф давомида делегация аъзоларига вилоят ҳокимининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси Хуршид Аҳмедов ва мутасадди раҳбарлар ҳамроҳлик қилишди.

2021-11-24 14:10:39